

ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ташбаева Хулкарой Холмурод қизи

“Ўздаверлойиха” ДИЛИ 1-босқич докторанти, к.х.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги кунда соҳада замонавий инновацион технологияларнинг қўллаш айниқса ер ҳисобини тўғри ва оқилона юритишда аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўз: ер ҳисоби, қишлоқ хўжалиги ерлари, масофадан зондлаш, ресурстежамкор технологиялар, электрон хариталар.

Annotation

This article talks about the importance of the use of modern innovative technologies in the field today, especially in the correct and rational management of land accounting.

Keyword: land accounting, agricultural land, remote sensing, resource efficient technologies, electronic maps.

Кириш

Сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш мақсадида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Кадастр агентлиги топографик ўлчовлар учун махсус самолёт ва аэрофотокамера ҳамда 112 та дрон билан таъминланди. Соҳани рақамлаштириш учун 6 та ахборот тизими ва маълумотлар маркази ишга туширилди.

Буларнинг ҳисобига, ўтган уч йилда 96 фоиз ерларнинг электрон харитаси яратилди. 40 миллион гектар ер рўйхатга олиниб, солиқ билан боғланди. Аввал ҳисобланмаган 790 мингта янги ва 520 мингта қўшимча қурилма тизимга кирди. Булар орқали бюджетга 1,1 триллион сўмлик қўшимча манба яратилди. Шунингдек, захирадаги 1,2 миллион гектар қишлоқ ерларига кадастр қилингани ҳисобига 675 минг аҳоли ва фермерларга 425 минг гектар ер бўлиб берилди.



Шунингдек, аҳоли узоқ йиллардан буён уй-жой сифатида фойдаланиб келаётган, лекин ҳужжатда қишлоқ хўжалиги ерлари бўлиб қолаётган 817 минг гектар ерни хатловдан ўтказиб, ер тоифасини ўзгартириш лозим. Буларнинг барчаси эса ўз ўрнида ер ҳисобига таъсир этади. Кўришиб турибдики, замонавий инновацион технологиялар қўллаш иш жараёнини осонлаштириб беради.



Ерни масофадан зондлаш ва рақамли ортофотопланлар асосида давлат ер кадастрига оид ахборот тизимини шакллантириш, юритиш ва доимий янгилаб борилмоқда.

Замонавий ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиб аэросуратга олиш ортофотопланларни яратишда иш унумдорлигини оширилиши, сарф харажатларни қисқариши, ер кадастрига оид маълумотларни аниқлиги ва ресурсларни тежамкорлигини таъминлайди. Шу мақсадда ресурстежамкор технологияларни босқичма-босқич ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлар сифатини ошириш, маълумотларга қисқа муддатда эга бўлиш учун Италиянинг Теснам-П2006Т русумли самолёти харид қилинди.

Бундан кўзланган мақсад қишлоқ хўжалиги ерларини 1:10000 масштабдаги электрон хариталарини яратиш, 1:25000 масштабдаги топографик хариталар янгилаш, қишлоқ хўжалиги ерларини мониторингини олиб бориш, ноқонуний ер учаскаларини аниқлаш, кадастр ва қўчмас мулкни рўйхатга олиш тизимларини модернизация қилиш, фойдаланилмаётган ер учаскаларини аниқлашда шунингдек бошқа давлат органлари автомобил йўллари, темир



Йўллар, тоғ кон саноатида, ўрмон хўжалиги, шаҳарсозлик, экологияда, магистрал газ ва сув қувурлари фаолиятида асос сифатида фойдаланилмоқда. Яратилаётган электрон хариталари ер ҳисоби маълумотларини янгилаш, ўзгартириш ва тўғри юритишда асосий манбаа ҳисобланади.



Хулоса

Соҳада олиб борилаётган барча ислохотлар иш унумдорлигини оширилиш, сарф ҳаражатларни қисқартириш, ер кадастрига оид маълумотларни аниқлиги ва ресурсларни тежамкорлигини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда ресурстежамкор технологияларни босқичма-босқич ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлар сифатини оширишда ва соҳа ривожига алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Призедентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш



тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.

3. Абдуллаев Т.М., Инамов А.Н., Ташбаева Ҳ.Х. Қишлоқ хўжалиги ерларини йўқламадан ўтказиш, қайдномаларни шакллантириш борасида замонавий GPS қурилмасидан инновацион усулда фойдаланиш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича илмий услубий тавсиянома. ТИҚХММИ, Тошкент - 2020.
4. Исломов У.П., Инамов А.Н. Замонавий GPS приёмникларидан GNSS приёмникларини афзалликлари ва имкониятлари// Научный журнал, Интернаука №3(9) – Москва 2018. 241-264-с.
5. Кадиров А.Т. Ер участкаларини ҳисобини юритишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари // “O‘zbekiston zamini” ilmiy-amaliy va innovatsion jurnali. Toshkent: -“O‘ZDAVYERLOYIHA” DILI, 2020. - № 2. –Б. 68-74.
6. Ташбаева Ҳ.Х. Ер ҳисобини юритишнинг чет эл тажрибаларини таҳлил қилиш // Агро Процессинг электрон журнали. Тошкент, 2020. - № 3.